# Жонкуярсан, оқиласан, маслакдошсан аёл!

O'zingni angla!


# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 6-mart, yakshanba • № 10 (711) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz


## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Мунис опа-сингиллар, лобар қизларим!

Гўзал юртимизга барчамиз орзиқиб кутган кўклам нафаси кириб келаётган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Баҳор тобора кучга кириб, табиат уйғониб бораётган шу қутлуғ айёмда сизларнинг азиз ва қадрдон юзларингиз, кўзларингизга боқиб, самимий туйғу ва тилакларимизни изҳор этар эканмиз, биз баҳор ва аёл сўзларининг нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини янада чуқур англаймиз. Аёл зоти чиндан ҳам ўз тимсолида гўзаллик ва нафосат, эзгулик ва фидойилик каби олижаноб инсоний фазилатларни мужассам этганига яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, биз ҳаётимиз мазмуни бўлган севги ва садоқат, меҳр-муҳаббат, назокат ва латофат каби энг нозик, сирли туйғуларни Яратганимизнинг беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотисиз асло тасаввур этолмаймиз.

Аёл деганда, кўз ўнгимизда аввало оқ сут бериб, барчамизни ўз бағрида асраб-авайлаб вояга етказадиган, бутун ҳаётини фарзандига бахшида этадиган дунёдаги энг муқаддас зот — Она сиймоси намоён бўлади.

Меҳрибон ва мушфиқ оналаримизнинг ана шундай буюк хизматини сўз мулкининг султони, улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Жисмни қил садқа ано бошиға" деган ҳикматли сўзларидан ўтказиб ифода этишнинг ўзи қийин, деб ўйлайман.

Шу маънода, асрлар мобайнида ер юзида ҳаёт давомийлигини таъминлаб келаётган азиз ва мукаррам Она сиймоси, аёл зоти олдида бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Қадрли опа-сингиллар!

Бугунги кунда ҳаётимизнинг қайси соҳа ва йўналишини олмайлик — бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўладими, фермерлик ва тадбиркорлик, тиббиёт, таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат бўладими — уларнинг ривожи ва самарасини оширишда, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда, халқаро майдонда давлатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда опа-сингилларимизнинг катта ҳисса қўшаётгани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Хусусан, аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганини давлат ҳокимиятининг барча бўғиндаги вакиллик органларида 1131 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлисимиз таркибида 48 нафар сенатор ва депутат фаолият кўрсатаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намоён қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларда уларнинг фаол иштирок этаётганида кўриш, кузатиш қийин эмас.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширган улкан ишларимиз ҳақида албатта кўплаб мисолларни олиб келиш мумкин.

Биргина "Соғлом она — соғлом бола" деб ном олган, бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган дастуримиз доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг ўзи илгари ҳаётимизда, тарихимизда ҳеч кўрилмаган салмоқли натижалари билан кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотмоқда.

Юртимизда замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилиб, барча ҳудудларимизда скрининг ва перинатал марказлари, туғруқхона ва соғломлаштириш комплекслари, 3200 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, улар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани бу борадаги улкан ишларимизнинг бир қисми, холос. Бунга қўшимча қилиб, ўтган йили амалга оширилган "Баркамол авлод йили" давлат дастури бўйича шу йўналишда 8 триллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Бу каби ютуқ ва марралар албатта барчамизни мамнун этади, лекин бундай кенг кўламли, узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг маъно-моҳиятини, келажак авлод учун аҳамиятини, ҳеч шубҳасиз, энг аввало аёлларимиз, оналаримиз кўпроқ тушунади ва қадрига етади, деб ўйлайман.

Бизнинг айнан ана шундай улуғ мақсадга қаратилган барча саъй-ҳаракат ва интилишларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланиб, холис эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, Халқаро Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистонни минтақадаги намуна деб тан олганини қайд этиш лозим.

Тинч ва осойишта ҳаётнинг, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват туйғуларининг қадрига етадиган жонкуяр ва оқила аёлларимизнинг оила ва маҳаллада, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, файзу барака, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳар қанча эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда тинч ва осуда ҳаётимизни, фарзандларимизнинг бахту камолини кўролмайдиган ғаразли кучлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, дунёда, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган ҳозирги пайтда ёшларимизнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан асраш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш зарурлигини асло эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Азиз ватандошлар!

Биз бу йил Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги буюк сана — мустақиллигимизнинг 20 йиллигини энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Бир қарашда, 20 йил кўҳна тарих учун қисқа бир муддат, албатта. Лекин бу давр биз учун ўз моҳияти ва аҳамиятига, амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёсига кўра, ҳақиқатан ҳам асрларга тенг давр бўлди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Ана шу вақт мобайнида биз Ватанимизнинг ёруғ келажаги, унинг равнақи йўлида қанча-қанча оғир синовлардан ўтдик. 90-йилларда давлатимиз эндигина шаклланиб, мустақил тараққиёт сари дастлабки қадамлар қўяётган мураккаб кунлар бўладими, четдан туриб бизга таъсир ўтказиш учун қилинган турли босим ва тазйиқлар бўладими, иқтисодий узилиш ва етишмовчиликлар шароитида, ўта оғир бир вазиятда бозор муносабатларини жорий этиш бўладими, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўладими — буларнинг барчаси, ўйлайманки, янги тарихимизда чуқур из қолдирадиган давр сифатида халқимиз хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайди. Ишонаманки, эркин ва мустақил фикрлайдиган ёш авлодимиз ҳам мамлакатимиз босиб ўтган бу ўчмас йўлдан зарур хулоса ва сабоқлар чиқариб, мағрурланиб яшайди.

Ортимизда қолган ана шу қийинчилик ва муаммоларни юртимиздаги ҳар қайси оила, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқ аҳли ўз бошидан ўтказди. Лекин, қўлимизни кўксимизга қўйиб, холисона айтадиган бўлсак, бундай қийинчилик ва ташвишлар аввало мбор заҳматкаш аёлларимизнинг елкасига тушди. Ва уларнинг сабр-бардоши ва чидамлилиги, донолиги ва шукроналик фазилатлари, эртанги кунга ишончи юртимизнинг ана шундай синовларни енгиб ўтишида мустаҳкам замин ва асос бўлди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугунги кунда, иқтисодиётимиз тобора ривожланиб, ҳаётимиз обод ва фаровон бўлиб бораётган, барқарор тараққиёт суръатларимизни дунё ҳамжамияти тан олаётган бир пайтда мана шундай ёруғ кунларга етиб келишимизга унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган, далада ва корхоналарда, таълим ва шифо масканларида, бошқа кўплаб соҳа ва тармоқларда ўзини аямасдан меҳнат қилаётган, оила ҳаётини тебратиб, ёш авлодимизни баркамол этиб тарбиялаётган сиз қадрдон опа-сингилларимизга тасаннолар айтиб, барча-барчангизга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган барча режа ва дастурларимиз ва уларни амалга ошириш ҳақида гапирганда, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни истардим — ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларимизга етишда мен сиз, азиз аёлларимизни асосий таянчим ва суянчим, энг яқин маслакдошларим деб билганман ва бундан буён ҳам шу фикрда қоламан.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Барчангизни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо толеингиз баланд, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Аёллари соғлом элнинг фарзандлари баркамол, келажаги нурафшондир. Бу борада ўзбекистонлик хотин-қизларга — азиз ва муҳтарама онажонларимиз, мунис опа-сингилларимизга ҳавас қилса арзийди. Бугун юртимизда қайси соҳани олиб кўрманг, ўз ўрнини топаётган аёллар сафи кенгаймоқда. Аслида аёлнинг жамиятда ўз ўрнини топиши — унинг ҳаётдан мазмун ва қувонч топиб яшаётганидан далолатдир.* 2 »

## АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, МИЛЛАТ БАРКАМОЛ

"Туркистон" саройида 5 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди



## ИҚТИДОР СОҲИБАЛАРИГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ...




*Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши изланувчан, фаол, ташаббускор ва иқтидорли қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги марралар сари илҳомлантиришда муҳим омил бўлмоқда.*

*Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ қизлар иштирокида пойтахтимиздаги олий таълим даргоҳлари, маънавият масканлари, музейларда учрашувлар бўлиб ўтди.*

Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Турин политехника университетида ташкил этилган ана шундай учрашувда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2011 йилги совриндорлари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Ўзбекистон халқ таълими вазири А.Мараҳимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари М.Каримов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим-тарбия, илм-фан, маънавият каби соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшлар тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришга, уларнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Буни Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари қўлга киритаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. 2 »

# АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, МИЛЛАТ БАРКАМОЛ

(Бошланиши 1-бетда.)

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасини бугун ҳар жиҳатдан соғлом ва етук фарзандларимиз тимсолида ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Зеро, аёл саломатлиги — оила соғломлиги, жамият мустаҳкамлиги, мамлакат барқарорлигидир.

5 март куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан тароватли ва кўркам қиёфа касб этди. Хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг ўзларидек гўзал гуллари ва латиф табассуми Бош майдонимизга ажиб бир латофат ва файз бағишлади.

Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига қўйилган гуллар бахтли хотин-қизларимизнинг шукроналиги ифодасидир. Шу дамда Бахтиёр она ҳайкали сиймосида ҳам, унга боқиб турган аёлларимизнинг юз-кўзида ҳам муштарак эзгу фазилатлар — меҳрибонлик, фидойилик, пок ният, ҳаётидан мамнунлик ҳисси зуҳур этарди.

Шу куни «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, нуроний онахонлару лобар қизлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова мустақил Ватанимизнинг ўтган йигирма йиллик тараққиёт йўлида халқимиз эришган ҳар бир ютуқ замирида фидойи ва жонкуяр хотин-қизларимиз меҳнати мужассамлигини, буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг юксак самаралари эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак, демакдир. Бу борада изчил амалга оширилаётган "Соғлом она — соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосидаги кенг кўламли чора-тадбирларни эслашнинг ўзи кифоя. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида барпо этилган ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари бугун ҳар жиҳатдан соғлом наслни тарбиялаш имконини бермоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг самарасида бугун юртимиз дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бу йўналишда юртимизда яратилган миллий тизим дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида намуна сифатида ўрганилаётир.

Юртимизда хотин-қизлар ўртасида спорт тобора оммалашиб, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда. Сўнгги икки йилда мамлакатимизда бадиий гимнастика билан шуғулланадиган қизлар сони уч баробар ошди, стол тенниси ва сузиш билан шуғулланаётган қизлар сафи кенгайиб бормоқда. Барчиноййу Тўмарис издошларининг истеъдод ва маҳорати дунё спорт жамоатчилигини ҳам ҳайратга солмоқда. 2010 йилда халқаро миқёсдаги 42 мусобақада юртимиздан 500 нафардан зиёд ёш спортчи иштирок этган бўлса, уларнинг учдан бир қисми қизлардир.



Миллат давомчиси ва келажак авлод тарбиячиси бўлган хотин-қизларимизга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида ўтаётган тадбирларда яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Бугун чекка-чекка қишлоқларимизда ҳам тадбиркор, меҳнатсевар, фидойи ва қўли гул хотин-қизларнинг эзгу интилишларига кенг йўл очилмоқда. Бу — аёлларимизнинг меҳнати қадрланаётганидан, истеъдод ва салоҳияти рўёбга чиқаётганидан далолатдир. Агар 2005 йилда 198,4 минг нафар хотин-қиз иш билан таъминланган бўлса, 2010 йил давомида опа-сингилларимиз учун қарийб 460 мингга яқин иш ўрни яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятлар бизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундамоқда, — дейди Андижон туманидаги «Савоб файзу барака» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Азима Ботирова. — Қишлоғимизда ташкил этилган зардўзлик ва тикувчилик цехларида қизларимиз тиккан миллий ҳунармандчилик буюмлари жуда харидоргир. Шу билан бирга, уч гектар ерда иқлим шароитимизга мос бамбук ўсимлигини парваришлаяпмиз. Унинг ёғочидан кўплаб мусиқа чолғуларини ясаш мумкин. Буларнинг барчаси ўнлаб қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

...Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари — Самарқанд давлат университетининг 1-босқич талабаси Умидахон Жўраева, Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Бибиноз Қаипова, Фарғона давлат университетининг 2-босқич талабаси Дилнавоз Қўлдошева хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов хотин-қизларга юртимизда кўрсатилаётган юксак эҳтиром баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилишини таъкидлади. Она сиймоси улуғланган шеърини ўқиб берди.

Сарой фойесида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий академия, «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида тасвирий санъат ва миллий ҳунармандчилик соҳаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ИҚТИДОР СОҲИБАЛАРИГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ...

(Бошланиши 1-бетда.)

Мазкур мукофот билан тақдирланган қизлар ўтган вақт мобайнида ўз йўналиши бўйича самарали фаолият кўрсатиб, илм-фан соҳасида тадқиқотлар олиб бормоқда. Юртимиздаги етакчи ташкилот ва идоралар, таълим муассасалари, ижодий ташкилотларда фаол меҳнат қилмоқда. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги мамлакат ва халқаро миқёсдаги турли кўрик-танлов, фестиваллар ва спорт мусобақаларида муваффақият қозонмоқда.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2011 йилги соҳибаларидан бири — Бибиноз Қаипова Нукус шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 9-синфида ўқийди. Тасвирий санъатга меҳри баланд бу қизнинг иқтидори юртимизнинг моҳир мусаввирлари ва санъатшунослари томонидан эътироф этилган. Бибиноз юртимизнинг бетакрор табиати манзаралари, обод ва файзли шаҳару қишлоқларимиз, гўзал удумларимиз, осуда ва фаровон ҳаётимизни ёрқин бўёқларда акс эттиришни жуда ёқтиради.

Ёш ижодкор «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилган «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фестивали, «Ўзбекистон тасвирий санъат ҳафталиги — 2009» каби тадбирлар, Ҳиндистон, Польшада болалар расмлари бўйича ўтказилган халқаро кўрик-танловларнинг ғолибасидир.

— Президентимиз Ислом Каримов томонидан ёшлар камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилаётган меҳр ва эътибор Қорақалпоғистон ёшлари ҳаётида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда, — дейди Б.Қаипова. — Кўплаб янги мактаблар, ёшлар, болалар бадиий ижодиёт марказлари, спорт-соғломлаштириш муассасалари барпо этилмоқда. Барча соҳада ёшлар ўз ижодий салоҳиятини кенг намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Бу бизни янада фаолликка ва изланишга ундайди.

Зулфияхоним қизлари сафига жорий йилда қўшилишга муяссар бўлганлардан яна бири Умида Жўраева — Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг биринчи босқич талабаси. У математика фани бўйича ўтказилган республика олимпиадаларида бир неча бор ғолиб бўлган. Умиданинг турли мураккабликдаги математик масалаларни ечишдаги қобилияти 2008 йил Россияда, 2010 йилда Қозоғистонда ўтган халқаро математика олимпиадаларида кумуш медалга лойиқ топилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

✓ Тадбир

Давлат солиқ қўмитасида "Кичик бизнеснинг бунёдкор кучи" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Юртимиз ва хорижий ОАВ вакиллари учун ташкил этилган ушбу тадбирда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

# Вазифалар ижроси таҳлил этилди

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни ривожлантириш масалалари доимо устувор вазифалардан бўлиб келган. Бу борада кейинги беш йилда тизимли равишда солиқ сиёсатини эркинлаштириш, иқтисодиётда унинг юкини камайтириш ҳамда солиққа тортиш тартибларини соддалаштиришга қаратилган ислоҳотлар ўтказилиб келинмоқда.

Президентимизнинг тегишли қарори билан тасдиқланган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг амалга оширилиши эса соҳани ривожлантиришдаги ислоҳотларни янги сифат босқичига кўтарди. Мазкур дастур ижросини таъминлаш республика давлат солиқ қўмитаси зиммасига ҳам салмоқли вазифалар юклайди. Матбуот анжуманида қайд этилганидек, ушбу дастурда кичик бизнес субъектлари учун бир қатор янги имтиёз ва енгилликлар кўзда тутилган. Жумладан, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотуражой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш назарда тутилган.

Тадбирда солиқ сиёсатини эркинлаштириш борасида қонунчиликка киритилган ўзгартишлар хусусида ҳам батафсил тўхталиб ўтилди. Журналистларнинг хориж инвесторларига берилаётган солиқ имтиёзлари, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш масалаларига оид саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

**Ўз мухбиримиз**




**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Нукус спорт коллежи қошидаги "Орол" сузиш ҳавзасида беш нафар қиз, беш нафар ўғил бола мураббийлар Жасмина Абитова, Руслан Илёсовлар қўл остида шу йил Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтадиган "Баркамол авлод" мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бундан ташқари, коллежлардан танлаб олинган ёшлар ўртасида спортнинг волейбол, футбол, кураш турлари бўйича машғулотлар ҳам ўтказилмоқда.

**САМАРҚАНД.** Шаҳардаги 21-ўрта умумтаълим мактабида "Таълим соҳасидаги янгиликлар баркамол авлодни шакллантиришга хизмат қилади" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унда ўқитувчиларнинг иш юкламасидаги ўзгаришлар, оптималлаштирилган мавзулар, ўқувчиларнинг билим сифатини назорат қилишнинг янги рейтинг тизими бўйича олиб борилаётган тажрибалар хусусида фикрлашилди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ туман кенгашининг болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази "Био-Экосан" экологик маркази билан ҳамкорликда "Ёш ҳунарманд" кўрик-танлови бўлиб ўтди. 14 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида ўтказилган мазкур мусобақада "Камалак" болалар ташкилоти аъзолари тўртта шарт бўйича ўз қобилиятларини синаб кўрдилар. Тумандаги 8-мактаб ўқувчиси Гулжан Қодирқулова миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат йўналишида, 40-мактаб ўқувчиси Ширин Юнусова мунчоқли безак буюмлари тикиш бўйича ғолиб бўлди.

**ФАРҒОНА.** Вилоятда хусусий тадбиркорлик ҳаракати кун сайин ривожланиб бормоқда. Учкўприклик Мадаминжон Мўминов 10 сотих майдонда иссиқхона қуриб, сабзавот ва резавор маҳсулотлар ҳамда лимон етиштиришни йўлга қўйиши натижасида оиланинг 6 нафар аъзоси ишли бўлди. Қоракўл қишлоғидан яна бир тадбиркор Шавкатжон Ҳамдамов ҳам ошхона қуриб, унда янги иш ўринларини яратди.

Қўшни Бувайда, Ўзбекистон ва Фурқат туманларида ҳам бундай тадбиркорлар сафи кенгаймоқда.

**ХОРАЗМ.** Ёшларнинг санъатга бўлган муҳаббатини кучайтириш, бу соҳада уларнинг савиясини янада ошириш мақсадида ўтказилаётган "Ўзбекистон, сени куйлайман!" республика санъат фестивалининг вилоят босқичи ғолиблари аниқланди. Унда иштирок этган 80 нафардан кўпроқ ёшлар ўртасида Хонқа туманидан Шерзод Мухторов, хивалик Рустам Оллоқулиев, қўшкўпирлик Камол Болтаев ҳамда бир қатор жамоалар ғолиб бўлишди. Энди улар фестивалнинг республика босқичида баҳслашадилар.

**ҚАШҚАДАРЁ.** Қарши иқтисодиёт коллежида "Солиқ билимлари — болаларга" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда "Солиқлар нималарга сарфланади?" мавзусидаги компьютер тақдимоти ҳамда "Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати" мавзусидаги иншо ёзиш бўйича шаҳар ва туман мусобақаларида ғолиб чиққан ўқувчилар ўзларининг солиқ соҳасидаги билимларини намойиш этдилар.

Танловда Қарши иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Жавлон Нусратов компьютер тақдимоти бўйича, Қарши Агробизнес ва тадбиркорлик коллежи ўқувчиси Юлдуз Хуррамова эса иншо йўналиши бўйича ғолиб деб топилди.

Ғолибларга вилоят давлат солиқ бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ.** Кейинги йилларда қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича 373 миллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши натижасида "ЭКОСАН" 60 мингга яқин фуқароларнинг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжлари қондирилишига, иссиқхоналарда томчилатиб суғориш услубини жорий этиш орқали қишлоқ аҳолисини сабзавотлар билан таъминлашни яхшилашга ўз ҳиссасини қўшгани эътирофга сазовор. Унинг навбатдаги лойиҳа асосида объектни топшириш тақдимоти Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги "Қиёт" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Уяс" маҳалласида бўлиб ўтади.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Сизни қизиқтирган фаолият

# Мақсад — истеъмол маданиятини ошириш

Бугунги истеъмолчи ўн-ўн беш йил бурунги содда харидор ёки мижоз эмас. У ўзига сифатли замон талаби даражасида хизмат кўрсатилишини истайди, савдо шохобчаларидан маҳсулотнинг энг сарасини танлашга ҳаракат қилади. Мабодо, бу борада бирор муаммога дуч келгудай бўлса, уни дарҳол ўша жойнинг ўзида, қонуний йўл билан ҳал қилиш йўриқларини ҳам яхши билади. Бу фуқароларимизнинг истеъмол маданияти юксалиб бораётганидан далолатдир.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва унинг ҳудудий бирлашмалари томонидан аҳоли ўртасида соҳага оид қонунчилик мунтазам тарғиб қилиб келинаётгани истеъмол маданиятини оширишда муҳим роль ўйнамоқда, албатта. Жумладан, Федерациянинг Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмасининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ҳам яхши натижа бермоқда. Бирлашма раиси Баҳодир Абдуқаюмов билан бўлган суҳбатимиз айнан жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.

**— Юртимизда фуқароларнинг истеъмолчи сифатида манфаатларини ҳимоялайдиган ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бу эса соҳанинг ҳуқуқий базаси яратилганидан далолат беради. Мазкур қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Ҳудудий бирлашмамиз ўз фаолиятини «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Федерация Низомида белгиланган вазифаларга асосан олиб боряпти.

Бирлашмамиз ўн битта туманни ўз ичига олган, аъзолари сони 12062 нафар. Ўтган йили бирлашмага деҳқон бозори ва савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатувчи шохобчалардан, тиббиёт, коммунал, жамоат транспорти, почта-алоқа хизмати, таълим-тарбия соҳаларидаги баъзи муаммо ва камчиликлар, қонунбузарликлар ҳақида 908 та шикоят ва ариза келиб тушди. Ўрганилган мурожаатларда истеъмолчилар томонидан кўрилган 137 миллион 152 минг сўмлик моддий зарар қопланишига эришилди.

**— Қонунчиликни тарғиб қилишда турли учрашувлар, давра суҳбатларидан ташқари яна қандай усуллардан фойдаланиш яхши самаралар бермоқда?**

— Қонунлар ҳамиша халқ манфаатига хизмат қилиб келган. Жойларда уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида турли ташкилотлар, тиббиёт муассасалари, ўқув даргоҳлари, маҳаллаларда беш юздан ортиқ ўқув семинарлар, давра суҳбатлари уюштирилди. Шу билан бирга иш тажрибамиздан келиб чиқиб, барча соҳалар бўйича истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқлари акс эттирилган ўн мингта буклет тайёрланиб, аҳолига тарқатилмоқда. Бундан ташқари, умумий овқатланиш корхоналари, дўконларда харидорларга сифатли савдо хизматини таъминлаш мақсадида 2500 дона плакат чоп эттирилиб, улар озиқ-овқат дўконларига осиб қўйилди.

Эндиликда дўконга ташриф буюрган ҳар бир киши сифатсиз, яроқлилик муддати ўтган ёки кўрсатилмаган маҳсулотлар инсон соғлиғига хавф солиши мумкинлиги ҳақида етарли маълумотга эга бўлмоқда. Шундай нохуш ҳолатларга дуч келган харидор қаерга ва кимга мурожаат қилишни яхши билади.

**— Маълумки, аҳоли ўртасида жамоатчилик сўровномалари ҳам ўтказилиб турилади. Айтингчи, натижалар қандай бўляпти?**

— Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, кейинги пайтда аҳолининг бундай сўровномаларга қизиқиши, фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Ваҳоланки, бундан бир неча йиллар олдин бу тадбирлар халқимизга хос андиша, юзхотирчилик туфайли анча қийинчилик билан ўтар эди. Ўтган йили шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида таҳсил олаётган, тарбияланаётган ўғил-қизларнинг ота-оналаридан кўплаб эътирозлар бўлгани сабабли сўровнома уюштирдик. Таълим муассасалари фаолиятини қамраб олувчи ўнта саволдан иборат бюллетень тайёрладик. Ушбу тадбирда мингдан ортиқ киши қатнашиб, ўз фикрларини очиқ-ойдин, холис айтдилар. Сўров натижаларига кўра, соҳада ҳали кўплаб муаммолар, камчиликлар борлиги кўзга ташланди.

Кези келганда айтиш керак: ёшлар таълим-тарбиясидек ўта муҳим вазифага эътиборсизлик билан қараётган педагог-тарбиячилар ҳали ҳам учраб тургани афсусланарли ҳолдир. Сўровнома жавобларидан кўринадики, мактабгача таълим муассасаларида болаларни тўғри овқатлантириш, тиббий кўрикдан ўтказиш, турли машғулотлар ташкил қилиш савияси қаноатланарли эмас. Бундан ташқари, ота-оналардан қоровул, фаррошлик хизматларига пул йиғиш каби ҳолатлар учраб турибди. Айрим мактаблар фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, ота-оналар билан бир қаторда сўровномада қатнашган ўқувчиларнинг ўзлари ҳам фан кабинетларининг етарли даражада жиҳозланмагани, дарсликлар билан таъминлашдаги муаммолар, спорт зали, меҳнат дарси ўтиладиган махсус хоналарнинг инвентар ва асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланмагани, ошхоналарнинг санитар ҳолати, тайёрланаётган овқатлар сифат даражасининг пастлиги ҳақида ўз фикрларини бердилар. Ачинарлиси, сўровнома ўтказилган таълим-тарбия муассасаларида ота-оналардан ташкил этилган васийлик кенгашлари томонидан йиғилган маблағ умуман назорат қилинмаган.

Қайд этилган салбий ҳолатлар юзасидан республика Халқ таълими вазирлигига, шаҳар ҳокимлигига тегишли чоралар кўриш учун маълумотнома киритилди.

Шу ўринда иш жараёнида туғилган айрим таклифларни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Яъни мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган васийлик кенгаши ишини жадаллаштириш, уларнинг фаолиятига Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг жойлардаги ходимларини жалб қилиш орқали жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозим. Шу билан бирга, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Федерация вакиллари билан биргаликда тизим фаолиятининг жойлардаги ҳақиқий ҳолати ўрганилса ва янги чора-тадбирлар режаси ҳамкорликда ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Суҳбатдош:**
**Умида МАНСУРОВА**

Коллежлар ҳаётидан

## Битирувчиларга эътибор катта

Айни кунларда Олтинкўл туманидаги Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежида 707 нафар ўқувчи 7 хил мутахассислик бўйича таҳсил олмоқда. Замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланган аудиториялар, лингафон, компьютер, тикувчилик, лаборатория хоналари улар ихтиёрида. Айни пайтда бу ерда битирувчиларни ишга жойлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилаяпти...



Яқинда Андижон вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов коллеж битирувчилари билан учрашди. Тадбирда вилоят раҳбари ўқувчи-ёшларга юртимизда яратилаётган имкониятлар тўғрисида гапириб, битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласида ҳар қандай амалий ёрдамга тайёр эканини билдирди.

Бу йил мазкур зиё масканини 151 нафар ўғил-қиз битиради. Ҳозиргача уларни ишга жойлаштириш бўйича 120 та уч томонлама шартнома имзоланди.

— Мутахассислигим бўйича амалиётни туманимиздаги "Агротеххизмат" МЧЖда ўтаяпман, — дейди коллеж битирувчиси Дадахон Жўраев. — Коллежни битирган куним шу ерда иш бошлайман. Бунинг учун ҳозирдан керакли малака ва кўникмаларни эгаллаб боришга ҳаракат қиляпман.

**Зилола ТУРСУНБОЕВА**

## Иш ўринлари кафолатланган

Қизилтепа туманидаги Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида 800 дан ортиқ ўқувчи-ёшлар таҳсил олади.

Коллеж битирувчиларини ўз ихтисослиги бўйича малакасини ошириш билан бирга, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳам бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур ўқув муассасаси бу йўналишда кўплаб амалий ишларни такомилига етказиб улгурган. Хусусан, коллежда минтақавий касбий тайёргарлик маркази фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда бўлажак мутахассисларга ўз йўналишига доир меҳнат кўникмаларини шакллантириш бўйича тушунчалар бериб борилади.

Коллежнинг қатор корхоналар билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда ўз таркибида бир неча йўналишлар бўйича кичик бизнес субъектларини ташкил этгани ҳам эътиборлидир. Атлас ва адрас тўқиш, бичиш-тикиш цехлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи иссиқхоналар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси шулар жумласидандир. Булар, албатта, ўқувчиларнинг ўқув амалиётларини ташкил этиш ҳамда битирувчиларнинг бандлигини таъминлашда қўл келмоқда.

**Маърифат ШАРИПОВА,**
**«Hurriyat» мухбири**

"Ташаббус-2011"

## Саралар сараланди

Тадбиркор Зуҳра Амриева хотин-қизларнинг севимли либоси — атлас ишлаб чиқаришга киришганида хато қилмаган экан. Чунки у шу интилиши боис эл-юрт орасида ҳурмат қозонди. Яқинда унинг тадбиркорлик фаолиятида қувончли воқеа юз берди. Қизилтепа туманида ўтказилган "Ташаббус-2011" кўрик-танловида "Энг яхши тадбиркор" деб тан олинди ва вилоят босқичига йўлланма олди.

Кўрик-танловнинг туман босқичи кўтаринки кайфиятда ўтди. Унда 60 га яқин тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари танловга қўйилган экспонатларни баҳолаш жараёнида тадбиркорларнинг иш фаолиятига, молиявий натижаларига, жамоат ишларидаги фаолликларига ҳам эътибор қаратдилар.

Танлов натижасига кўра "Мадинабону сара адраси" хусусий корхонаси раҳбари Зуҳра Амриева "Энг яхши тадбиркор", "Адизбобо" фермер хўжалиги раиси Муҳитдин Қобулов "Энг яхши фермер" ва қўлигул аёл Сафия Очилова "Энг яхши ҳунарманд" сифатида танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Шунингдек, "Йилнинг энг ёш тадбиркори", "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Ёшларга иш ўринлари яратган энг яхши тадбиркор", "Йилнинг энг яхши оилавий бизнес кишиси" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Ёркул УМАРОВ,**
**журналист**




Тараддуд

## Тўрт фасл тиним билмай

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тараққиёт мамлакат иқтисодиётининг мустаҳкамланишида, аҳоли фаровонлигининг яхшиланишида намоён бўлади. Заҳматкаш боболеҳқонларимиз ўтган йили ғалла, пахта, пилла ва мева-сабзавот етиштириш шартномавий режаларини ёруғ юз билан уддалашди.

Бугун бухоролик қайси фермер билан суҳбатлашманг, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, ирригация ва мелиорация тизими ходимлари қўшқанот бўлишгани ҳақида тўлқинланиб гапиришади. Экинлар ўз вақтида сув билан таъминлангани, ариқ ва зовурлар тозалаб турилгани боис, ерларнинг шўрланиш даражаси пасайиб, ҳосил салмоғи ўсганини алоҳида таъкидлашади.

«Аму-Бухоро машина канал қурилиш» ҳиссадорлик жамияти негизида фаолият кўрсатаётган Пешку туманидаги 6-кўчма механизациялашган колоннанинг 60 нафар ишчи ва муҳандис ходимлари бош режада белгиланган ишларни бажармоқдалар. Жамоанинг саъй-ҳаракати билан Ромитан ва Пешку туманлари ҳудудидан ўтган умумий узунлиги 30,2 километрли Варахша каналининг ишга туширилгани туфайли ҳар икки тумандаги минг гектардан ортиқ ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ҳосилдорлик 10-12 фоизга ўсди.

— Деҳқончилик қилиш ноқулай бўлган чўл ҳудудларидаги ерларга ариқ ва каналлар тортилмоқда. Ерларнинг шўрланиш даражасини янада пасайтириш учун зовурлар қазилмоқда. 2011 йилда деҳқонларнинг янада кўпроқ ҳосил олишларига ҳозирданоқ замин яратаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Илҳом Бозоров.

Йилнинг тўрт фаслида ҳам тиним билмай бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган, меҳнатидан роҳатланаётган чўл баҳодирларига тасаннолар айтгинг келади. Зеро, дастурхонимизнинг ноз-неъматларга тўлиши, эгнимизнинг бут бўлиши учун хизмат қилаётган соҳа заҳматкашларининг меҳнати чиндан ҳам таҳсинга муносиб.

**Шавкат НОСИРОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Эътироф

# Йигирма икки дона «Атиргул» васфи

*Одатда муниса аёлларимизни хонадонимизнинг чироғига қиёслаймиз. Чиндан-да, оиланинг файзиёблиги, чароғонлиги улар билан. Жамиятда ҳам хотин-қизларнинг фаоллиги ўзига хос. Мамлакатимизда тўққиз йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Атиргул» танловининг асосий мақсади уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини муносиб эътироф этишдир. Мазкур танлов ғолибларининг эрта кўкламда — 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида тақдирланишида ҳам рамзий маъно бор.*



Ўзбекистон Миллий матбуот маркази танлов иштирокчилари билан ҳар қачонгидан ҳам гавжумлигини кўриб, ҳаяжонга тушасан киши. Уларнинг юз-кўзида байрам таровати ўз аксини топган. Жорий йилги ғолибларни тақдирлашга бағишланган мазкур маросимда республика ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмиталари масъул ходимлари, оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган фаол журналист аёллар ва фахрийлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, пойтахт хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Фарида Абдураҳимова ва бошқалар сўз олиб йиғилганларни баҳор байрами — 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этди.

Айтиш жоизки, бу йил танловга 80 га яқин ижодкор аёллар ўзларининг 1000 дан ортиқ ижодий ишлари билан иштирок қилди. Уларнинг 12 нафари асосий ва 10 нафари рағбатлантирувчи йўналишларда танловнинг ғолиби деб топилди ва махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, баъзи «Атиргул» соҳибаларининг дил сўзларини ёзиб олдик.

**Муҳтарама УЛУҒОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Шуҳрат” медали соҳибаси:**

— Бугунги адабиётимиз ва журналистикамиздаги катта авлод хотин-қизларининг деярли барчаси Зулфияхонимнинг ғамхўрлиги ва кўмагида ижод соҳасига қадам қўйган, десам янглишмайман. Зулфияхоним нафақат, ижодкор, балки оддий аёл, инсон, арбоб, қолаверса, она сифатида ҳам ҳаммамизга ибрат бўлгани учун у киши ҳақида хотира ёзишга жазм қилгандим. Яқинда “Ниҳол” нашриётидан “Муҳаббат саройида мангу қолганлар” номли китобим нашрдан чиқди. Китобдан публицистик материаллар — мақолалар, эсселар, эсдаликлар билан бир қаторда севимли шоирамизнинг Ҳамид Олимжон ҳақидаги хотиралари ҳам ўрин олди.

Мана шу камтарона хизматимни мукофотга лойиқ кўришганидан жудаям хурсандман. Ишончим комил, бугун давлатимизнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлаётган хотин-қизлар орасидан эртага, ўнлаб, юзлаб Зулфияхонимга ўхшаган истеъдодли ва марҳамати кенг ижодкорлар етишиб чиқади.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА шарҳловчиси:**

— Шоир бобомиз Мирзо Бобур агар ер юзининг барча шоирлари юз йил таъриф этса ҳам аёллар латофатининг юздан бирини тараннум эта олмайди, дея лутф этган. Назаримда бу гапда ҳеч бир муболаға йўқ. Юртимизда ҳам хотин-қизларнинг муносиб ўрнини топиши учун барча имкониятлар яратилган. Бу жиҳатни миллий матбуотимизни ривожлантириш борасидаги эзгу ишларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Журналист аёлларни рағбатлантириш, уларни билим ва кўникмаларини шакллантиришда «Атиргул» танловининг ҳам ўз ўрни бор. Бу танловда иштирок этиб ғолиб бўлганимдан беҳад хурсандман. Ҳаяжонимнинг чеки йўқ. Бу рағбат жамиятимиздаги янгиланишлар, ислоҳотлар ва тараққиёт жараёнларини янада кенг ёритиш борасида биз ижодкорларга катта куч ва ишонч бағишлайди.

*Дарҳақиқат, «Атиргул» соҳибаларининг тилидан янграётган шукроналик ҳисси юртимиз Истиқлоли билан вобаста. Ўйлаймизки, бу «Атиргул»ларнинг ифори юртимиз шукуҳини, маънавиятимиз бўстонини янги-янги чечаклар билан мунаввар этади.*

**Фахриддин РАҲИМОВ**

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «АТИРГУЛ» танлови ғолиблари рўйхати (2011)

1. **Забира АБДИНИЯЗОВА** — «Қарақалпақстан жаслары» газетаси мухбири — жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларда ёшларнинг фаол иштироки ҳақидаги туркум материаллари учун,
2. **Мавлуда АҲМЕДОВА** — «Тараққиёт» телерадиокомпанияси МЧЖ муҳаррири (Андижон вилояти) — «Қамчиқ довони» ва «Оналар сўзи — ҳикматнинг ўзи» туркумидаги кўрсатувлари учун
3. **Полина КОМЛЕВА** — Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциацияси «Ёшлар студияси» мухбири — «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаолияти ҳақидаги кўрсатувлари учун
4. **Маъмура МАДРАҲИМОВА** — «Тонг юлдузи» газетаси бўлими мудири — болалар спортини ривожлантиришга бағишланган туркум мақолалари учун
5. **Нилуфар НИЁЗОВА** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси нашри — «Ҳуқуқ» газетасининг Наманган вилояти бўйича ўз мухбири — Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритган мақолалари учун
6. **Инобат ОЧИЛОВА** — ЎзМТРК Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг катта муҳаррири — репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги туркум радиоэшиттиришлари учун,
7. **Зуҳра РЎЗИЕВА** — «Маърифат» газетасининг жамоатчи мухбири — Маданий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун
8. **Муқаддас САПАРОВА** — «Жиззах ҳақиқати» газетаси мухбири — хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига бағишланган таҳлилий материаллари учун
9. **Муҳтарама УЛУҒОВА** — журналист, шоира — адабий-бадиий мавзудаги туркум мақолалари учун
10. **Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА** — «Миллий тикланиш» газетаси мухбири — ёшларни миллий қадриятлар ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган материаллари учун
11. **Сайёра ШОЕВА** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА шарҳловчиси — ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий мавзулардаги мақолалари учун
12. **Гулнора ЮНУСОВА** — «Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ «Давр» бош муҳарририяти шарҳловчиси — ўзбек халқининг маданий мероси, анъаналари ва қадриятларини сақлашга бағишланган туркум кўрсатувлари учун.

**Рағбатлантирувчи мукофот соҳибалари:**

1. **Наргиза АСАТОВА** — «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбири
2. **Комила БОЙМУРОТОВА** — «Ишонч» газетаси мухбири
3. **Шукуржон ЖАББОРОВА** — «Тўмарис издошлари» газетаси ходими (Хоразм вилояти)
4. **Мукаррам ЖАЛИЛОВА** — ЎзМТРК «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» ахборот дастурлари бош муҳарририяти бўлими мудири
5. **Хонбиби МАХАМОВА** — «Арбитраж ва ҳуқуқ» газетаси бўлими муҳаррири
6. **Ҳамрохон МУСУРМОНОВА** — «Саодат» журнали бўлими муҳаррири
7. **Сайёра РИХСИЕВА** — «Тошкент ҳақиқати» газетаси бўлими мудири
8. **Марғуба САНАҚУЛОВА** — «Самарқанд-СТВ» хабарлар ахборот таҳририяти мухбири
9. **Муқаддас ФАЁЗОВА** — ЎзНТТ «Ахборот» маркази муҳаррири
10. **Зулфия ЮНУСОВА** — «Ватанпарвар» газетаси мухбири






Китоб жавонингизга

## Қалам учидаги меҳр



Ўзининг лўнда ҳикоя ва эсселари билан ўқувчилар қалбидан жой олиб улгурган ижодкор Сайёра Бекмирзаеванинг “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида чоп этилган “Бир ҳовуч гавҳар” китобини ўқиб, ён-атрофингизга бошқача нигоҳ билан назар ташласангиз ажаб эмас. Оила аъзоларининг бир-бирига бўлган меҳри, қўни-қўшнилар оқибати, ёшлар, айниқса, қизлар тарбиясининг ўзига хос жиҳатлари, шарқ халқларининг бағрикенглиги — адиба қаламга олган қораламаларнинг мавзулар доираси.

Китобнинг қайси бобини ўқишга тутинманг, ҳар бирида инсон қадр-қимматини яхши англаган, пешона тери тўкиб умргузаронлик қилган оилада тарбия кўрган аёлнинг, янаям аниқроғи, онанинг сиймоси бор латофати ва самимийлиги билан кўриниб туради.

Ўша онанинг нури дийдаси оилада янги меҳмонни кутиб олиши билан боғлиқ ҳолатлар шу қадар мароқ ва завқ билан ҳикоя қилинадики, ана шу ҳаётий лавҳаларда халқимизнинг асрлар оша эъзозлаб келинган удумлари ёрқин бўёқларда намоён бўлади. Биқиқлик ва худбинлик хусусиятларини умр “мазмуни”га айлантирган ғарбона турмуш тарзидан қанчалик йироқда эканимиз аёнлашади. Тўпламнинг бош қаҳрамони ўғил-қизларига, келин ва куёвларига қанчалик меҳрибонлигига ич-ичингиздан ҳавас қиласиз.

Бадиий тўқимадан кўра ҳаётнинг жонли нафаси уфуриб турган ҳикоялар ичига кириб кетганингизда шундай савол туғилади: муаллиф бунчалик меҳр-оқибатни қаердан олган? Жавоб ҳам узоқ куттирмайди: ўзи туғилган гўшасини соғиниб яшайдиган ижодкор оилада — ота-онаси, опа-сингиллари, қишлоғида — қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари меҳридан баҳраманд бўлиб келган. Ана шу меҳр С.Бекмирзаева қалами орқали қоғозга, қоғоздан китобхон қалбига кўчиб ўтади. Шуни таъкидлаш кераккки, китобдаги узвий ришта — меҳр туйғуси шунчаки она-бола ўртасидаги муносабатни эмас, балки замон билан ҳамқадам бўлган, ўз миллати ўтмишини яхши билган, дунёдаги паст-баланд воқеалардан хабардор инсон қалби мўъжизаларини ифода этади.

**Ш. ЖАББОРОВ**


«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

## Дараклар

### “ДИСКАВЕРИ”НИНГ МИССИЯСИ БИР КУНГА УЗАЙТИРИЛДИ

**Space.Com порталининг хабарига кўра, NASA “Дискавери” шаттлининг охирги миссиясини бир кунга узайтиришга қарор қилди. “Дискавери”нинг Канаверал бурнидаги космодромга қўниши 2011 йил 8 мартдан 9 мартга кўчирилди.**



Шундай қилиб унинг фаолияти 13 кун давом этади. NASA вакилларининг ахборот беришича, мана шу бир кун давомида астронавтлар МКСга элтиб қўйилган модул устида ишлашади ва юк кемасига яроқсиз ускуналарни ортишади.

Эслатиб ўтамиз, бу миссия “Дискавери” шаттлининг энг сўнгги ўттиз тўққизинчисидир. Бундан кейин шаттлдан космос тадқиқ этиш ишларида фойдаланилмайди.

### СУД ҲУКМИ ЎҚИЛДИ

**Германиянинг Оснабрюк шаҳар суди магнитланган тагликли тезюрар поезд ҳалокати бўйича кўрилган иш юзасидан ҳукм чиқарди. DW-WORLDнинг хабар беришича, суд ҳукмига кўра, икки нафар диспетчер жавобгарликка тортилган.**



Ҳалокат 2006 йилнинг 22 сентябрь куни экспериментал йўлда содир бўлган эди. Тергов хулосаларига қараганда, номлари айтилмаётган судланувчиларнинг масъулиятсизлиги мазкур ҳалокатга сабаб бўлган. Улар йўлда махсус вагон турганига қарамасдан машинистга ҳаракатланиш учун рухсат берган. Натижада поезд соатига 170 километр тезлик билан қарама-қаршидаги вагонга урилган ва 23 киши ҳалок бўлган, 11 нафар йўловчи жароҳат олган.

Судланувчилар ўз айбларини тан олишди. Суд ҳукмига кўра, улар шартли жазо муддатини ўтайдиган бўлдилар.

### АВТОМОБИЛЛАР ТАНЛОВИ

**Жорий йилда ўтказиладиган “Жаҳон автомобили” танловининг финалчилари аниқланди. Танлов ташкилотчилари “Йил автомобили”, “Йил спорт машинаси”, “Йилнинг “яшил” автомобили”, “Энг чиройли автомобиль” номинациялари бўйича финал иштирокчиларини эълон қилишди.**



Бош соврин учун “Audi A8”, “BMW 5-Series” ва “Nissan Leaf” русумли автомобиллар кураш олиб боради. Спорт машиналари орасида “Ferrari 458 Italia”, “Porsche 911 Turbo” ва “Mercedes-Benz SLS AMG” куч синашади. “BMW 320d Effecient Dynamics” ҳамда иккита электрокар – “Nissan Leaf” ва “Chevrolet Volt” машиналари эса “Йилнинг “яшил” автомобили” номинацияси учун беллашади. Таъкидлаш жоизки, “Leaf” ўтган йили Европада, “Volt” Шимолий Америкада “Йил автомобили” дея эътироф этилган эди.

Ғолиблар 21 апрель куни Нью-Йоркда эълон қилинади.

### БРАЗИЛИЯ БЕШИНЧИ ЎРИНДА

**Жанубий Американинг йирик давлатларидан бири – Бразилия ўзини иқтисодий ривожланиш бўйича дунёдаги бешинчи мамлакат деб эълон қилди.**



Биргина ўтган йилда мамлакат ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилга нисбатан 7,5 фоизга ўсиб, 3,675 триллион реал (2,23 триллион доллар)ни ташкил этган. Бу ҳақда статистик ахборотнома – «Brazilian Institute of Geography and Statistics» хабар тарқатган.

Шунингдек, «MercoPress» нашрида Бразилия молия вазири Гвидо Монтегонинг «Ялпи иқтисодий маҳсулот ҳажми 3,6 триллион долларни ташкил этди. Бу эса, бизга Франция ва Буюк Британияни ортда қолдириб, дунёда бешинчи ўринга чиқиб олиш имкониятини яратди» деган сўзлари келтирилган. Нашрнинг таъкидлашича, мамлакатдаги ЯИМ ҳажмининг ўсиши сўнгги 24 йил ичидаги энг юқори кўрсаткичдир. Келгусида бундан-да яхшироқ натижаларга эришиш учун етарли шарт-шароит ва салоҳият мавжуд.

Айни пайтда ЯИМ ҳажми бўйича АҚШ (14,6 триллион доллар) биринчи ўринни эгаллаб турибди. Кейинги ўринларда Хитой (5,879 триллион доллар) ва Япония (5,474 триллион доллар). Германия эса тўртинчи поғонадан жой олган.

### ДАЛИЛ ТОПИЛМАДИ

**Франция полицияси «Renault» компаниясида суриштирув-тергов ишларини олиб бориб, саноат жосуслигини исботловчи ҳеч қандай далил топа олмади.**




AFP агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, жорий йил бошида «Renault» уч нафар ходими – бошқарув аъзоси Жан-Мишель Бальтазар, унинг ёрдамчиси Бертран Рошетт ва электромобиллар лойиҳаси директори ўринбосари Матье Тананбаумларни саноат жосуслигида айлаб, ишдан четлаштирган эди. Аниқроғи, улар компания раҳбарияти томонидан электрокар аккумляторлари тўғрисидаги маълумотларни учинчи томонга сотганликда айбланганди.

Шундан сўнг компания даъво аризаси билан ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилди. Аммо даъво ўз тасдиғини топмади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## Дунё матбуоти саҳифаларида

«Украинские новости» (Украина)

### ДАВЛАТ БОЖИ ОЛИНМАЙДИ

**«Украинские новости» газетасининг ёзишича, мамлакат парламенти – Олий Рада жавдар ёрмаси импорти учун олинадиган давлат божини бекор қилади. Бу қоида шу йилнинг 1 июнидан эътиборан кучга киради.**




Бундай қарорга келинишига кейинги йилларда жавдар экиладиган майдонлар камайтирилаётгани асосий сабаб сифатида кўрсатилмоқда. Агар 2000 йилда мамлакатда 573,5 минг гектар ерда жавдар етиштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 215,4 минг гектарни ташкил қилди. Бу йил эса мазкур экин майдонлари яна ҳам қисқаради: Табиийки, бу ҳолат олинадиган ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади.

Нашрнинг таъкидлашича, четдан келтирилган жавдар ёрмаси учун давлат божининг бекор қилиниши, тезда энг арзон нархда ушбу маҳсулотни харид қилиш имкониятини яратади.

«The Canadian Press»

### ТЎРТ ЙИЛДА 631 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

**«The Canadian Press» нашрининг хабар беришича, Халқаро Футбол федерацияси (ФИФА) 2007-2010 йиллар мобайнида 631 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда кўрган.**




Тўрт йил давомида ФИФА 4,189 миллиард доллар даромад олган, харажатлар эса 3,558 миллиард долларни ташкил этган. Бундан ташқари, ташкилот ўзининг захира фондини оширишга эришган. Натижада мазкур фонд миқдори 1,28 миллиардга етган.

Халқаро Футбол федерациясининг молиявий ютуқларида ўтган йили ЖАРда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати муҳим роль ўйнаган. Мундиал 197 миллион доллар фойда келтирган. 2014 йили Бразилияда ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида катта даромад олиш кутилмоқда.

«Балтинфо»

### СОБИҚ РАҲБАР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

**«ОРТ-Казахстан» медиа-компаниянинг собиқ раҳбари Игорь Егармин Москва шаҳрида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қўлга олинди. «Балтинфо» нашри ана шундай хабар тарқатган.**



47 ёшли бизнесменнинг устидан ўтган йилнинг июль ойида Қозоғистонда жиноий иш очилган эди. И.Егармин кўплаб молиявий жиноятларга қўл урган уюшган жиноий гуруҳга раҳбарлик қилганликда айбланмоқда.

И.Егармин Россия фуқароси ҳисобланади. Шунинг учун у Қозоғистонга берилмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳақдаги сўнгги қарорни Россия Федерацияси Бош прокуратураси чиқаради.

2001 йили И.Егармин МДҲ давлатларидаги энг бой йигирмата медиа-менеджер сафига киритилган эди. Қозоғистон оммавий ахборот воситаларида тадбиркорни кўплаб шакар заводлари ҳамда нефтни қайта ишлаш корхоналарини ноқонуний эгаллаб олгани айтилмоқда.








«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Янги тарихимиз саҳифалари

# ХАЛҚНИНГ ЯРАТУВЧИЛИК ДАҲОСИ

*Бу оламда шундай сиймолар борки, одамларга яхшилик қилиш, уларнинг юрагида ўт-олов ёқиш учун дунёга келган. Улар миллатни, халқни ўз ортидан эргаштириб, улуғ ва бетимсол ишларга сафарбар этадилар, мўътабар она заминни обод қилиб, меҳрига чайиб яшайдилар.*

*Бу дунёда ёвуз ва вайронкор кучлар йўқ, деб ким айта олади? Агар шундай бўлса, қатағон-у, урушлар, босқин ва қонли террорлар бўлмас эди, албатта. Наполеоннинг айтишича, дунёни ларзага соладиган иккита куч бор, бу қурол билан ақл-заковатдир. Қурол ҳар қанча кучли бўлмасин, яратишга қодир эмас, дейди фотиҳ, шу боис, ҳамиша ақл-заковат тантана қилиб келади.*

*Ўтмишда ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай...*

Иккинчи мақола

## УСМОН ҚУРЪОНИ

Хастимом қадамжосини Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонаси ва унда сақланаётган Усмон Қуръонисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Агар мажмуа тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дастлабки обида XVI асрда барпо этилган бўлиб, у қадимда асрий чинорлар, қайрағочлар, Мавҳ ота ҳовузи ва яна айвондан иборат бўлган.

XIX асрнинг ўрталарида Бароқхон мадрасасининг ғарбида Намозгоҳ, рўпарасида эса Мўйимуборак мадрасаси ва Тиллашайх жомеъ масжиди ҳамда чиллахона қурилган, лекин замона зайли билан Хастимомдаги аксарият осори атиқалар нураб-бузилиб кетган. Кайқобус сойидан сув олган ариқлар қуриб, Мавҳ ота ҳовузи кўмилиб қолган, Чиллахона ўрнида эса, кинотеатр қурилган. Абу Бакр Қаффол Шоший мақбараси олди молбозорга айлантирилган. Шунингдек, бошқа обидалар ҳам оёқости бўлиб, путурдан кетган.

1943 йилнинг октябрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси таъсис этилгач, у Бароқхон мадрасасида фаолият юрита бошлайди. Шу муносабат билан Мўйимуборак мадрасаси диний идора кутубхонасига айлантирилади. Мазкур кутубхонада ҳозир йигирма мингга яқин диний ва дунёвий илмларга оид қимматли китоблар сақланади, шунинг уч минги нодир қўлёзмалардир.

Маълумки, 651 йили Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлган Оллоҳнинг Каломи шарифига тартиб берилиб, яхлит бир китоб ҳолига келтирилган. Кейин ундан яна уч нусха олиниб, мусулмон оламининг уч йирик шаҳри — Дамашқ, Куфа ва Басра уламоларига тақдим этилган. Қуръони каримнинг мана шу тўнғич намуналари Усмон Мусҳафи деб аталган ва доимо эъзозлаб келинган. Каломуллоҳнинг асл нусхаси Мадинаи мунаввара да, халифа Усмон ҳазратларининг ўзида сақланган. Ва у Имом Мусҳаф дея эътиқод қилинган. Умматнинг афзали, зуннурайн деган улуғ шарафга муяссар бўлган халифа Усмон ҳазратлари 656 йили мана шу Мусҳафни мутолаа қилиб ўтирганида Абдулло ибн Абу Бакр бош бўлган исёнчилар томонидан қатл этилган. Бу ҳодиса ислом оламида фитна эшиклари очилганини тасдиқловчи далил деб келинади...

Ўшанда Қуръони Шарифнинг "Бақара" сурасига халифа Усмон ҳазратларининг муборак қонлари томади. "Тошкентда сақланаётган Усмон Мусҳафининг 137—138-оятлари ёзилган саҳифада қон доғлари сақланиб қолган", деб ёзади шайх Абдулазиз Мансур (Қуръони карим, Тошкент Ислом университети, 2004 йил). Бу ояти кариманинг маъноси шундай: ***"Сизни (эй Муҳаммад) уларнинг ёмонлигидан асрашга Оллоҳнинг ўзи етарлидир..."***

Шом ҳукмдори Муовия тожу тахтни қўлга киритгач, Усмон Қуръонини ўз мамлакатига олиб кетади. 1401 йили Соҳибқирон Амир Темур муқаддас китобни катта иззат-икром билан Шомдан азим Самарқандга олиб келади. Мусҳаф Гўри Мир мақбараси ёнидаги муаззам Кўк Гумбаз жомеъ масжидида чексиз эътибор ва эҳтиром билан сақлаб келинган. Темурийлар давридан сўнг у Нодир Девонбеги мадрасасига, хос ҳужрага олинади. Шу боис, рус шарқшунослари кўпинча уни "Самарқанд Қуръони" деб аташади.

Бу мўътабар китоб мусулмон оламида дунёга келган дастлабки тўрт мусҳафнинг сақланиб қолган бирдан-бир мумтоз намунаси, Яратганнинг илоҳий каломидир. У ҳар бир инсон учун ғоятда қимматли, азиз ва муқаддас. 2000 йилнинг 28 августида халқаро ЮНЕСКО ташкилоти мазкур китоб ҳақиқатан ҳам ер юзида ягона бўлиб, мусҳафларнинг энг қадимийси эканини расмий далолатнома билан тасдиқлаган...

Чор Россияси Туркистонни истило қилгач, 1869 йили илоҳий китоб Санкт-Петербургга жўнатилади. У кўп хорлик ва сарсонлик кўради, ҳатто ўнлаб нодир саҳифалари «кўчириб» олинади. 1924 йили Тошкентга олиб келинади ва ёдгорликлар музейида, махсус ва мустаҳкам темир сандиқда сақланади.

Ниҳоят, 1989 йилга келиб, муқаддас китобга нисбатан адолатли муносабат қарор топди. Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислом Каримов нодир ва бебаҳо тарихий мулкни Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасига тақдим этди. Шундан буён у диний идора кутубхонасида сақланган.

Усмон Қуръони сақланган кутубхонада, шунингдек, VIII асрда терига битилган Қуръоннинг алоҳида саҳифалари, муқаддас китобнинг Лангар нусхаси саҳифалари ҳамда унинг ўттиздан зиёд тилларга қилинган таржималари ва шу каби ўта ноёб ёзма ёдгорликлар ҳам мавжуд.

## ЕТТИ МУМТОЗ ОБИДА

2007 йилнинг эрта баҳорида Хастимомга йўли тушганлар бу жой улкан қурилиш майдонига айланганини, одамлар ёғин-сочинга қарамай, ўзларини аямай ишлаётганини кўришганди. Ишнинг кўлами ва суръати ҳар қандай кишини ҳайратга соладиган даражада эди. Тарихнинг гувоҳлик беришича, улуғ мўъжизалар мана шундай иттифоқлик ва буюк бир сафарбарлик билан амалга оширилади.

...Ҳозир қадамжода бўлсангиз, ўзингизни олис ўтмишга қайтгандек ҳис қиласиз. Ансамблдаги ҳар бир майдон, ҳар бир иншоот бирбирини тўлдириб боради. Тубдан қайта таъмирланган ва янгидан бунёд этилган етти улкан иморатни чинакам етти обида, дейсиз, миллий меъморий фусун, шарқона латиф нақш ва зийнатлар ансамблга илоҳий сокинлик ва мозий руҳини бағишлаб турибди.

Усмон Қуръони музейи, Тиллашайх ва Бароқхон мадрасалари олдида улкан саҳн барпо этилган, худди гиламдай қилиб унга мусулмони ғишт ётқизилган. Чинакам санъат асарига айланган бу саҳн наинки кўркам обидаларга, балки бутун ансамблга улуғворлик



ато этиб турибди. Агар шу ерда туриб, атроф-жавонибга назар солсангиз, зиёратгоҳ нечоғли салобатли ва мукаммал эканини ҳис этасиз. Унда халқимизнинг қалби, истеъдоди ва ҳассос бунёдкорлик салоҳияти балқиб кўзга ташланади.

Айниқса, Усмон Қуръони музейи кишининг ҳавасини келтиради. У чиндан ҳам исми жисмига муносиб бўлган мумтоз обидадир. Салобатли нақшинкор эшикдан тортиб, ён хоналарнинг ва асосий залнинг безатилишигача, поёндоз ўрнида тўшалган оқ шаффоф ақиқдан тортиб, мусҳаф қўйиладиган баланд саҳн ва унга ётқизилган тим қора ақиқгача, ҳаттоки ойнаванд китоб сақлагичгача, ислимий нақш солинган муаззам гумбаз тоқидан токи фил суяги тусидаги девору оч яшил вазмин устунларгача — барча-барчасида ғоятда оддийлик, айни пайтда мумтозлик ва илоҳий руҳ ҳукмрон.

Зал сокин, озода, маҳобатли ва улуғвор.

Бароқхон мадрасаси ҳам тўла таъмирдан чиққан. Унинг иккинчи қавати — Кўкгумбаз қайта бунёд этилган. Абу Бакр Қаффол Шоший мақбараси пештоқидаги арабий ёзувлар, безак ва нақшларга жило берилган. Даҳма ёнидаги ҳар бир сағана обиданинг умумий кўринишига монанд равишда меъморий сайқал топиб, яхлит бир бутунлик касб этган.

Ансамблга туташ Кайқобус ариғи тубдан қайта таъмирланиб, бир текис қайроқтош ётқизилди ва яна икки қанотида тиззабўйи ғишт девор, чиройли йўлаклар барпо қилинган.

Ансамблдаги мақбара ва мадрасаларнинг умумий кўринишида қаймоқранг устувор. Айниқса, уларнинг ичкариси — хоналар, хос хоналар ва заллар худди сутга чайиб олингандек, ташқи саҳни эса турфа хил ноёб дарахт ҳамда буталар, анвойи гуллар, чечаклар билан чулғанган, уларнинг пойида эса яшил майсазор ястаниб ётибди.

— Елкамизга офтоб тегиб, Эски шаҳар яшнаб кетди, — дейди гуручариқлик оқсоқол Мирвоҳид ота. — Янги гузар маҳалламиз чиройини очиб юборди. Қаранг, алмисоқдан қолган, чўкиб-нураб ётган кинотеатр биноси ўрнида қандай кўркам ва хушманзара хиёбон барпо қилинди!

Дарҳақиқат, хиёбон майсазорлар, дов-дарахтлар, арчалардан ташкил топган. Агар Зарқайнар кўчасидан чиқсангиз, ансамбль уч қатламдан иборат эканини кўрасиз. Биз айтган хиёбон учинчи қатламда, юксак мақомда жойлашган. У узоқ-узоқлардан барқ уриб кўзга ташланади ва хаёлингизни ўзига банд этади. Сувпуркагичлар йўлагу майсаларни чайиб-юваётган бу сўлим хиёбонни четлаб ўта олмайсиз, албатта, бориб кўргингиз келади.

Хиёбонга мусулмон ғишт ётқизилган кенг ва шинам йўлаклар олиб чиқади. Бу жойдан бутун борлиқ, ям-яшил ҳудудлар, озода саҳнлар, маҳобатли нақшинкор эшиклар, файз ва оҳор инган муҳташам обидалар худди кафтингизда турган каби бутун маҳобати, улуғворлиги билан яққол кўриниб туради, одамнинг кўзига ором, дилига илоҳий таскин, қувонч ва ифтихор бағишлайди.

Бундай санъат асарини яратмоқ учун қанча тунларни уйқусиз ўтказмоқ, қанча ўйланмоқ, нозиктаъб ва ўткир зеҳн билан қанча ихлос, меҳр-муҳаббатни бағишламоқ керак!

Яратувчилик гўзал ахлоқ ҳосиласидир!

"Бир куни, — деб ёзади улуғ донишманд Абу Ҳомид Ғаззолий, — Расули акрамнинг олдига бир одам келиб: — Эй Оллоҳнинг Расули, дин нима ўзи? — деб сўради. Шунда Расулуллоҳ айтдики: — Дин гўзал ахлоқдур!"

Янги ансамбль шу гўзал ахлоқнинг ҳосиласи янглиғ таассурот уйғотади. Ва уни айланар экансиз, одамларимиз, халқимиз ана шундай гўзал фазилатлар соҳиби эканига ва бу хислат Соҳибқирони аъзам замонидаги каби яна бор бўй-басти билан тўла намоён бўлаётганига ишонч ҳосил қиласиз!

Маълумки, шўро тузуми даврида масжиду мадрасалар, мўътабар зиёратгоҳлар оёқости қилинган, уларнинг ёнида атай фабрика ва заводлар қурилган, кўпол ва бесўнақай ускуналар еру заминни титратиб, шовқин-сурон солиб, наинки обидаларга шикаст етказган, балки чанг-тўзон буркситиб, одамлар таъбини хира қилган, ўша жойлардан кўнгилларни бездириб юборган.

Давлатимиз раҳбари янги ансамбль ҳар томонлама тоза ва покиза, сокин ва улуғвор бўлишига, умуман, ҳар бир табаррук зиёратгоҳни пок, мўътабар ҳолда сақлаш ҳам қарз, ҳам фарз эканига алоҳида урғу берди. Қурилиш давом этаётган ўша беором кунларда ҳам қадамжода кўнгил тилаган саранжом-саришталик, озодалик ва беғуборлик ҳукм сурган эди. Бугунги кунда у чиннидай тоза, файзли-фариштали бир масканга, чинакам обидага айланди.

Ким бундан хурсанд бўлмайди, ахир!

Ва кимнинг ҳаваси келмайди!

Қаранг, дунёда нималар бўлаётир. Қайдадир тўфон қўпиб, кўприклар қулаб тушмоқда. Қайдадир замин ларзага келиб, шаҳарлар вайрон бўлмоқда! Қайдадир уруш ҳамон тинмайди, гўдаклар ўт ичида қолмоқда, одамлар бир-бирини ўлдирмоқда! Мана шундай нотинч ва таҳликали замонда хотиржам яшамоқ, муаззам обидалар барпо этмоқ, ўзинг туғилиб ўсган заминни обод қилмоқ тенгсиз бир саодат-ку!

Ўтмишдаги каби қайроқтош ётқизилган Сағбон кўчасини айтмайсизми! Жуда кенг олинган бу тошйўл ансамбль ичидан айланиб ўтган ва унинг чиройини янада очиб, йўлчилар ихлосини ўзида намоён этиб турибди. Сокин ва беғубор майсазорлар, ям-яшил майдонлар, уларга кўрк бағишлаб, кўкка бўй чўзаётган дуркун ниҳоллар шукрона айтаётгандек!

Хастимомга туташ бўлган "Истиқлол" маҳалла оқсоқоллари учун барпо этилган маъмурий иморат ҳам шарқона меъморий ҳашами ва нақшли устунлар жозибаси билан қадамжога сингишиб кетган.

Президент Ислом Каримов 2007 йилнинг 25 апрелида Хастимом ансамблида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан атрофлича танишгач, мана шу маҳалла оқсоқоллари билан суҳбат қилди.

Давлатимиз раҳбари Соҳибқирон Амир Темур Усмон Қуръонини юртимизга олиб келишида буюк бир ҳикмат мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Биз Ҳаққа-ҳақиқатга, нурга-ёруғликка ташна бўлиб яшаган қадим ва оққўнгил халқ авлодимиз. Елкамизга офтоб тегиб, озодликка чиққач, босиб ўтган долғали ҳаёт йўлимиз, бир қўлимиз билан қонли хуружларни, ёвуз террорчилар ҳамласини бартараф этган ҳолда, бир қўлимиз билан бунёд этган муаззам иншоотлар, барча-барчаси бизнинг нурга-зиёга интилишимиз нечоғли мислсиз эканини ўзида намоён этади. Жумладан, Хастимом мавзеида амалга оширилган буюк ва бетимсол ишлар ҳам...

Неча замонлар ўтиб, ниҳоят Оллоҳнинг муқаддас Каломига иззати ва шарафига муносиб эҳтиром кўрсатилиши, яна Усмон Қуръони музейи ёнида эзгу ният билан улуғ бир масжид, Муфтият ва Дин ишлари бўйича қўмита учун хос ва муҳташам маъмурий идоранинг бунёд этилиши теран рамзий маъно касб этади. Бу — ўз вақтида зулм ва парокандалик гирдобига тортилган, қуллик ва қарамликка маҳкум этилган, ғурури топтаб-таҳқирланган улуғ, бағрибутун халқ бугун қадди-бастини ростлаб, ўзлигига қўяётган мумтоз бир ҳайкал, завол билмас улуғ обида, десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Биз ўша, ҳали қурилиши охирига етмаган кунларда ансамбль ўзининг кўрку жозибаси, салобату маҳобати билан чет элдан келган сайёҳларни оғушига чорлаб, уларни ҳайратга солиб турганига гувоҳ бўлганмиз. Нима, айланаман, томоша қиламан деганга, дунёда ноёб санъат обидаси кам дейсизми? Лекин оҳанрабодек бир нима ўзига тортиб, мудом чорлаб турадики, одамлар бу мўътабар заминга талпинадилар. Биз улардаги маҳлиёликни кўриб, қаранг, устаю қурувчи, ҳунарманду наққошларимиз санъати кўзларни қандай қувонтириб, дилларга қандай ҳайрат бағишлаётир, демак, меъморчилигимиз ойдек тўлишиб, меъморларимиз улуғ боболарига муносиб ворис бўлишаётир, деб ўйладик, севиндик.

Муаззам янги масжид ҳам шоён эътибор ва таҳсинга сазовордир. Унинг икки қанотида баландлиги эллик тўрт метр бўлган иккита минора қад ростлаган. Масжиднинг узунлиги олтмиш-етмиш метр. Ичига қаймоқранг яхлит гилам тўшалган. Мовийранг гумбазлар остида ва ўртада шундай ҳавозалар барпо этилганки, улар чинакам санъат асарига айланган, тилласуви билан жило берилган нафис ва беқиёс безаклар, коинот нақшланган пурмаъно, бетакрор зийнатлар, тилладек товланиб, кўзни оладиган улкан биллур қандиллар ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Шунда беихтиёр Шарафиддин Али Яздийнинг Бибихоним масжидини: "Агар фалак унинг ўхшаши бўлмаса, шубҳасиз, гумбази ягона бўлар эди", деб улуғлагани хаёлдан ўтади.

Бундай муаззам масжидлар мусулмон оламида йўқ эмас, албатта. Аммо бу намозгоҳ Марказий Осиёда, шубҳасиз, ягонадир.

Ҳали таъкидлаганимиздек, чет эллик сайёҳлар, ниёзманд ва саховатпеша инсонлар зиёратгоҳ ҳали битмасдан туриб, дарёдек оқиб кела бошлаганлар, ҳозир уларнинг оқими янада шиддатли тус олмоқда. Хорижий давлат арбоблари, ислом уламолари бу қадамжони зиёрат этмоқда.

Бу ерда зиёратчиларга барча қулайликлар яратиб қўйилган. Автоуловлар учун замонавий хос майдончалар, йўловчилар учун бежирим бекатлар ва ансамбль руҳиятига мос дўконлар барпо этилган. Бир сўз билан айтганда, Эски шаҳарда яна бир улуғ бунёдкорлик иши мана шундай гўзал якун топди. Бизнинг кўз олдимизда яна бир мумтоз ансамбль ҳайратомуз кўрк ва маҳобат касб этди.

Одам қўл урган ҳар қандай ишнинг натижаси, ҳеч шубҳасиз, унинг ниятига яраша бўлади.

Мамлакатмизда Ислом маданияти ёдгорликлари, муқаддас масканлар ва зиёратгоҳларни тиклаш ва қайта қуриш борасида олиб борилган кенг кўламли амалий ишлар эътирофи ўлароқ, Тошкент ЮНЕСКО томонидан Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Зеро, агар Ислом маданияти умумжаҳон пойтахти чиройли бир узук бўлса, мумтоз ва мўътабар янги обида унга қўйилган феруза кўздир!..

Бугун шу қутлуғ ишлар кўнгилларни обод этиб, ҳаётимизга файз, дилимизга қувонч ва ғурур бағишламоқда. Наинки Эски шаҳарда, балки пойтахтнинг бўлак даҳаларида, азим Самарқанду қадим Марғилонда, ўзга шаҳару қишлоқларда, бутун мамлакатда қуриш ва яратиш руҳи устувор. Қарангки, Яратганнинг марҳамати билан эл-улус бунёд этаётган янги замон иншоотларида халқимизнинг яратувчилик даҳоси камалакдек ўзини намоён этади. Унга қараб, кўзинг тўймайди, беихтиёр, санъатингдан айланай, ўзимнинг элим, дегинг келади...

**Ғаффор ҲОТАМ**



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34, Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

# МАЪНАВИЯТ

**Ўйлаб кўринг!**



## Изоҳсиз луғат

*Адабиётда тақлид қилувчилар кўп. Кинода ҳам. Адабиёт тақлидни қоралайди. Кино ҳам. Адабиёт китобхонда ўзгариш сезса, суюнади. Кино... ёмон куюнмоқда. Гап шундаки, биз ўқиган, эшитганимизга эмас, кўпроқ кўрганимизга ишонамиз. Кино бизни шундай қарашга ўргатди.*

“Сеними, шошмай тур!” мультфильмини кўрмаган болакайни айтарли учратмаймиз. Ушбу анимацион фильмнинг таъсирини қарангки, у экранга чиққач, болалар қолиб катталарда ёппасига ўзгариш бўлди...

Ҳадеганда қуённи тута олмаган, аламиданми, сиқилганиданми, хуллас, лабига сигарета қистириб олган, боз устига, шимининг капа қисми юқоридан пастга томон кенгайган бир ҳолатда бизга кўриниш берувчи бўри ўз вақтида жамиятга янгича имиж, янгича қиёфани олиб кирди. Ўша даврда ёшлар ўртасида модага айланган кенг почали шимни кўз олдингизга келтириб кўринг! Тақлид деб шуни айтсалар керак-да!

Айримлар тақлидни маъқуллайди. Унинг бўлгани маъқул, дейишади. Тўғрида, ўғлим Навоийга, қизим Нодирага ўхшабди деб бирор ота ёки бирор онанинг ўз фарзандини уришганини ҳеч кўрганмисиз? Балли! Қайтанга бошини силаб қўяди. Аксинча бўлсачи?! Улар бошни силашмаса-да, дўриллоқ оҳангда: “Ўғлингиз фалон актёрдан бемаза қилиқни ёдлаб олибди, қизингиз фалон актрисага ўхшаб беандоза кийинмоқда!”

Баҳс айнан мана шу мавзуда.

Тарозида тортиб кўрилса, маҳсулотнинг оғир-енгили билинади. Кинонинг тошбосар юки (тасвир эмас, сўз назарда тутилмоқда) бугунга келиб вазнсизлик ҳолатини эълон қилгандек бир алфозда. Ўлчовга арзигулик бирор жўяли гап, бирор ибора қулоққа чалинмаяпти.

“Кетмони учмай қолибди”. Ушбу иборани ўқибоқ “Абдуллажон” ёдингизга тушди-я! Шундай эмасми? Ана, ҳатто кулиб қўйдингиз. Ёқади-да!

Кимнингдир иши олдинга силжимайроқ турган бўлса, бу иборани ўша кишига ҳазил тариқасида қўллашга одатланиб қолганмиз. Биргина “Маҳаллада дув-дув гап” фильмининг ўзида эса бундай жумлаларни ўнлаб учратамиз: “Ўнта қўй нима бўлади?”, “Ўғлим, овқатингни емайсанми?”, “Енгил кавалерия-ку!”, “Липт дегани шу бўлса керак-да!”, “Вой тиниб-тинчимаган одамлар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-я”... Улар ҳатто ёд бўлиб кетган.

Агар суҳбатдошга лоқайд муносабат билдирсак, уни тингламасак ёки “Нима деяпти?” маъносида юзлангудек бўлсак, бунинг жавоби ҳам тайёр: “Отамни уйлантираман деяпти!” (“Чинор остидаги дуэль” фильмидан). Дўстлар орасида эса бунақанги ҳазиллар кўп учрайди.

Дарслар тугаган, ҳамма уйига шошган. Курсдош йигитлардан уч-тўрттаси “шошқалоқ” қизларнинг йўлини тўсди. Қизлардан бири уларни танийди, шекилли, “Мафтунингман”дан роль ўйнаб берди:

— Йигитлар, мени қўйворинглар. Сизларга энг яхши кўрган қўшиғимни айтиб бераман!

Йигитлар ҳам бўш келишмади:

— Менга айтасиз!

— Йўқ, менга айтасиз!..

Уларнинг бу қилиғи қандайдир ёқимли, ўзларига ярашган ва яна қандайдир мафтункор! Оҳанрабога ўхшаш бир нимаси бор — жозибали! Энг қизиғи, бундай мисоллар, қай вазиятда бўлмайлик, кўзни қувонтиради, қулоққа хуш ёқади. Бошқача айтганда, улар бизга меросдек.

Бугун-чи, кино бизга қандай “мерос” ҳадя қилмоқда? Унинг томошабинга атаган, қулоққа хуш ёқувчи нималари бор? Лозим бўлса, у “меросхўр”ни тарбиялашда сўздан қай йўсинда фойдаланмоқда? Умуман, тилимизга ёт жумлаларни ибора деб аташнинг ўзи тўғрими?

Шу каби саволларга жавоб ахтараману кўпинча терс вазиятнинг устидан чиқаман. “Салейку-у-м!” Камига икки дугонанинг юзларидан чўлп-чўлп ўпгани эшитилади. Дам ўтмай икки дўстнинг “Ў-ў, сава!” (“Жаноб ҳеч ким” фильмидан) дея сўрашуви қулоғимни динг қилади. Талабаларни кузатиб турган бир кексароқ аёл “Янгисими бу?” дея йигитларни ҳазил аралаш танқидга олади. Улар эса барча ишни тиндириб қўйгандек: “Билмайсиз-да, билмайсиз, бу ассалому алайкумнинг французча варианти” деб жавоб қайтаришади.

Ора-орада “Нимайди?”, “Нима бўпти?”, “Нима қипти?”ларга дуч келамиз. Жавоби ҳам ўзи билан: “Тухум... қипти!” (яна ўша “Жаноб ҳеч ким”). Йигит билан қиз бамайлихотир суҳбатлашиб турса, уларни опа-ука, ака-сингил ёки қариндош деб ўйлайсизми? Менимча, бунақа ўйлаш, бунақа хаёл қилиш урфдан чиқди, тамом эскирди. Энди уларга оддий ва жўнгина қилиб: “Ўртоқлар, вагонда тўй қилиш мумкин эмас”, десангиз кифоя (“Келгинди келин” фильмидан). Ҳозир шунақаси “мода”. Тенгдош йигит-қизларнинг одатий йўқлови ҳам бугун янгича имиж остида иш кўради: “Акангнинг олдига... Сени излаб келдим” (“Телба” фильмидан).

Бу каби дилхираликлардан жаҳлингиз чиқиб, асаблар таранг бўлса, эҳтимол. “Нервный бўп қолдим ўрто, нервный. Точно томим кетиб қолди” (“Телба” фильмидан)...

Дарвоқе, бундай сўзларга эҳтиёж сезсангиз, қайси луғатни очасиз? Уларнинг кўпига изоҳли луғатда тушунтиришлар берилган, қай вазиятда қўллаш ўринли эканига “йўлланмалар” кўрсатилган, изоҳлар келтирилган. Аммо уларнинг ҳеч бири узуқ-юлуқ шаклда эмас, ҳатто қўлланилиш доираси чегараланган сўзлар (жаргонлар, арголар, шевага хос сўзлар, варваризмлар ва бошқалар) ҳам имло қоидаларига бўйсунади. Характер очишга керак бўлади. Кинодан ҳаётга “буюк кўчиш”ни амалга ошираётган бундай сўзлар оқимини қандай атаган маъқул?

Сўздан фарқли равишда кинонинг тасвир кўчимлари тақлидни бор бўйича акс эттиришга қодир. Масалан, “Қалбим чечаги” номли корейс сериали экранда намойиш қилингач, биздаги сартарошхоналарда мижозлар сони бироз камайгандай бўлди. Бунга сабаб ёшларнинг кўпчилиги сочини Мин Хига тақлидан ўстира бошлади. Французларнинг “Такси” фильмидан кейин пешона ён қисмидан қулоққа томон чизиқ тортиб соч олдириш оммалашди. Бу ҳол бизнинг кинога ҳам тегишли. Хусусан, “Қалбим ўғриси” фильми премьерасидан сал ўтмай йигитлар орасида қошнинг бир бурчагида худди чандиқ асоратидек таассурот уйғотувчи кески ташлаш ҳолати кўп кузатилди. Бош уриштириб саломлашиш-чи? Ўзимизга хуш ёққан актёр-актрисаларнинг ҳаракатига, нутқига ўхшатмалар, кийинишдан тортиб хулқимизгача кўчиб ўтган тақлидлар — “мерос”имиз шуларми?! Буларнинг барчаси четдан қараган кишига эриш туюлади.

Тақлиднинг номини тамоман ёмонотлиққа чиқариб қўймаслик учун айтиш жоизки, “Шабнам” фильми намойишидан кейин қизларга изҳори дил кўпайди. Сочини қирқўрим қилиб белига ташлаган, каштачанг сумкани елкасига қистириб, нақшинкор дўппини бошига қўндириб, миллий либосда дарсга кетиб бораётган қизларни соғинганимиз ўшандагина сезилди.

Хулоса ўрнида япон адиби Эдовага Рампонинг “Ой сеҳри” номли ҳикоясидан даҳшатли кузатувни келтираман. Муаллиф ҳайвонот боғини айланиб юрарди. Маймун қафаси олдида турган бир киши (файласуф эди у) унинг диққатини тортади. Сўнг ёнига боради. У киши маймунга турли қилиқ қилар, маймун ҳам кўрганини такрорларди. Рампо ундан нега бундай қилаётганини сўрайди. Файласуф бунга жавобан дунёдаги ҳеч бир жонзот тақлидда маймуннинг олдига тушолмаслигини айтади ва қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб беради:

*“Бир шаҳарлик тоғда юрган экан. Нимаям бўлиб, маймун унинг қўлидаги қилични тортиб олибди. Саросимага тушиб қолган шаҳарлик чора тополмай, таёқ билан қуролланибди. У нима қилса, маймун ҳам шуни такрорлаётганини пайқаб, ақлини ишга солибди: қўлидаги таёқни ўз бўйнига тутиб, ўзини “арралай” бошлабди. Маймун ҳам унинг қилиғини такрорлайман деб қўлидаги қилич билан ўзини сўйиб қўйибди...” Мана сизга тақлид! Қалай? Ўхшадими?!*

**Акмал ЖУМАМУРОДОВ**





«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ
ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz E.mail: oao@post.uz

Гулчи қиз



Гуллар гўзаллик, муҳаббат рамзидир. Ҳеч бир байрам ёки шодиёнани гулсиз тасаввур қила олмаймиз. Гул етиштирувчиларни эса гўзаллик ва нафосат ижодкорлари, дейиш мумкин...

Қарши шаҳридаги Чармгар маҳалласида яшовчи Собир Раҳматов тажрибали гулчилардан.

— Мўъжазгина, 4,5 сотих майдонни эгаллаган иссиқхонамизда чиннигул, кала, хризантема каби 20 хилдан ортиқ гул етиштирамиз, — дейди Собиржон ака. — Ўн йилдан буён гулчилик билан шуғулланаман. Дастлаб тошкентлик гулчилар иш тажрибасини ўргандим. Гул парвариши жуда нозик иш. Ҳар бир гул алоҳида эътиборни, меҳрни талаб қилади. Энг муҳими, иссиқхонада бир хил ҳароратни сақлаш лозим. Уни зараркунанда ҳашарот йўлламаслиги учун дорилаб туриш керак. Илгари гул ниҳолларини Тошкент шаҳридан олиб келардик. Ўтган йилдан ўзимиз етиштира бошладик. Ҳозир иссиқхонамизда тўрт киши меҳнат қилмоқда.

Иссиқхонага кирарканмиз, анвойи гулларнинг ифори димоққа хуш ёқади. Гўзалликдан завқимиз ошади. Атрофга назар ташлаб, ҳар бир гулнинг харидор қўлига етиб боргунига қадар қилинадиган катта меҳнатни ҳис этамиз.

— Гулчилик нафақат яхши даромад келтиради, балки кишига руҳий қувват ҳам бағишлайди, — дейди Собир ака. — Кайфиятим тушкун бўлса ёки чарчоқ сезсам, дарҳол гулхонага ошиқаман. Бир зумда кўнглим равшан тортади, руҳим енгиллашгандай бўлади. Гоҳида етиштираётган гулларим орқали ўнлаб, юзлаб хонадонларга хурсандчилик бахш этаётганимдан, байрамларда ҳамюртларимиз, айниқса, аёлларимизнинг нозик кўнглини тоғдай кўтаришга озмикўпми ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

**Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Суратда:** *гулчи Шоҳсанам Раҳматова*




## Спортдаги янгиликлар

*Дунё тажрибасидан маълумки, ҳар қандай спортда малакали тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантирмай туриб, ҳақиқий, профессионал спортчиларни тарбиялаб бўлмайди. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида профессионал футбол клублари қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини ривожлантириш, айниқса, футболчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ниҳоятда муҳимлигини таъкидлади.*



# «Футбол МЕД» иш бошлади



Ўзбекистон Футбол Федерацияси қошидаги республика спорт маҳоратини ошириш олий мактабида катта имкониятларга эга бўлган замонавий тиббий хизмат кенг йўлга қўйилди. Бунинг учун федерация қошидаги «Футбол МЕД» шўъба корхонаси халқаро андозаларга жавоб берадиган мукаммал тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

— Бизда 7 ёшдан тортиб, профессионал спортчиларгача малакали тиббий хизмат кўрсатилади, — дейди шўъба корхона бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Муаззам Мелиева. — Дастлаб спортчилар обдон тиббий кўрикдан ўтказилади. Ҳар бир кўрик замонавий тиббий технология асосида амалга оширилади. Масалан, гемоанализатор 19 кўрсаткич бўйича қон таркибини аниқлаб берса, велоэргометрик кардиалаб орқали спортчининг жисмоний ҳолати, юраги текширилади. Лазеротерапия ёрдамида эса қисқа фурсат ичида ҳар қандай сурункали касалликларни даволаш имконияти бор. Бу ноёб даволаш технологияси республикамиз бўйича фақат бизнинг тиббий марказимизда мавжуд экани эътиборга олинса, спортчиларимиз саломатлиги учун нақадар юксак эътибор берилаётгани, муолажаларимизнинг қанчалик ноёб ва самарали эканини англаб олиш қийин эмас.

«Футбол МЕД» шўъба корхонасида физиотерапия, ультратовуш, психофизиология кабинетлари ҳам шундай ташҳис-даволаш ускуналари билан жиҳозланган. Бу замонавий тиббий технологиялар орасида психофизиологик муолажа тури бизни, айниқса, ҳайратга солди. У орқали спортчининг руҳий ҳолати аниқланади. «Хўш, керакли фурсатда футболчи қандай қарор қабул қилади?» «Рақибларини алдаб, тўпни олиб ўтишга интиладими» ёки «шерикларига ошириб берадими ёки юраги дов бермаяптими?» Бундай технологияга асосланган руҳий муолажалар футболчиларда ўзларига ишончни кучайтиради. Ташҳис-даволаш ишларини малакали шифокорлар амалга оширишади.

— Бу жараён орқали мураббий футболчини танлаб олиш имконига ҳам эга бўлади. Шўъба корхона хизматидан мамнунмиз, — дейди «Навбаҳор» футбол жамоасининг менежери Ғанишер Исмоилов. — Илгари футболимизда тиббий хизматга унчалик эътибор қаратилмас эди. Футболчининг руҳий, жисмоний ҳолатлари кўпчиликни қизиқтирмасди ҳам. Европа футболида эса ҳар бир спортчи тиббиётчиларнинг доимий назоратида бўлади. Унинг соғлиғи, руҳий ҳолати шифокорни бефарқ қолдирмайди. Шу боис ҳам ҳар бир футболчи майдонда ишонч билан ҳаракат қилади. Бугунги кунда республикамиз футбол клубларида, айниқса, болалар футболида тиббий хизмат кўрсатиш алоҳида ўрин эгалламоқда. Бундай тиббий хизматни вилоятларда ҳам кенг йўлга қўйиш керак. Ана шунда футболимиз, айниқса, болалар футболи янада ривожланади.

Лўнда қилиб айтганда, бугун Ўзбекистон Футбол федерацияси қошидаги спорт маҳоратини ошириш олий мактабида ташкил этилган барча қулайликлар малакали ёш футболчиларни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда XX футбол чемпионати старт оляпти. Бекободнинг «Металлург» ва Олмалиқнинг «АГМК» жамоалари олий лигада ўйинларни бошлаш арафасида «Футбол-МЕД» шифокорлари кўригидан ўтишди. Мураббийлар футболчиларни ўйин чизиқларига жойлаштиришда уларнинг тавсияларини алоҳида эътиборга олишди.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ**
Эркин БОТИРОВ олган суратлар.

## *Шарқ донишмандлари меъросидан*

Равза боғин висолин истар эсанг, бўл онанинг оёғин туфроғи.

**Алишер НАВОИЙ**

Она ҳақига эътиборли бўл, уни бошингга кўтар. Зеро, оналар тўлғоқ машаққатини чекишини бўйинларига олмаганларида чақалоқлар дунёга келиш учун йўл тополмасдилар.

**Жалолиддин РУМИЙ**

Шундай қизга совчи қўймоқ керакки, чеҳраси очиқ, юзида олижаноблик ва иффат намоён бўлсин, поклик ва покизаликка, чиройли амал ва одатларга ўрганган бўлсин. Бундай қиз ҳаёт дастурхонининг лаззатини зиёда қилади.

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

Кўча севгиси уйни барбот этар,
Уйингни аёл меҳри обод этар.

**Саъдий ШЕРОЗИЙ**



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAGIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

*Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.*

**Телефонлар:** 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
**Реклама ва маркетинг бўлими:** 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44
Навоий — 8-436-742-78-70

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёқуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.15

® — тижорат белгиси.

Адади: 9580 Буюртма — Г-326 1 2 3 5